

ТУРКИЙ ЭЛЛАРДА ДАВЛАТЧИЛИКНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ ҲАҚИДАГИ ИЛМІЙ МАЪЛУМОТЛАРНИНГ БАРКАМОЛ АВЛОДНИ МАЪНАВИЙ- МАЪРИФИЙ РУҲДА ТАРБИЯЛАШДАГИ АҲАМИЯТИ

**Ўроқов Б., Сирдарё ВПКҚТМОИ доценти
Сувонов О., ГулДУ ўқитувчиси**

Кўчманчи чорвадор ва ярим ўтроқ турмуш тарзли элларнинг оилалари катта патриархал оила бўлиб яъни, бир тўпда жамланиб, тўплари урукқа, уруғлари элга бирлашиб, «Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар» қондасига амал қилиб яшашга зарурат сезган, бошқача айтганда, уларнинг чорва ҳўжалиги жамоа бўлиб яшашликни таққозо этган. Ташқи ёв қаршисида эл ҳам заифлик қила бошлагач, икки эл бир элатга (улусга) бирлашиб ва улус таркибига шаҳар, қишлоқларнинг ўтроқ аҳолисини ҳам қўшиб олиб, қардошлик жамиятига айланган. Эл оғзидаги «Элга эл қўшилса давлат, улусдан эл кўчса меҳнат» деган нақл ҳам балки шунга яъни, кўчманчи чорвадор туркий элларда давлатчиликнинг келиб чиқишига бир рамзий ишорадир.

Чорвадор туркий эллар маънавиятида қариндошлик анъана ва урф-одатларида ўзликнинг уруғ босқичи, ўзлик таркиби шажарасидаги «қариндошлик жамоаси ўзлиги» ҳисобланиб, буни билмасликни қариндош (уруғдош)ларини унутишлик деб қаралган. Туркий элларнинг, жумладан, ўзбеклар таркибидаги қипчоқ лаҳжали эллар (жўқчи ўзбеклар) маънавиятида оила ва уруғ шажараларини ёд билишлик ҳамда уни эл шажараси билан боғлаб тасаввур қилишлик хайрли иш ҳисобланган аксинча, уни билмасликдан, унутишликдан орланишган, уялган. Шу сабабдан ҳам, келиб чиқиш жиҳатдан ўзининг етти отасини ва улардан урчиган (кўпайган) урпоқ (авлод)ларни яхши англаган ҳар бир туркийдан, унинг етти отаси қайси уруғдан ва уруғи қайси элдан келиб чиққанлигини билишлик талаб қилинган. Бу маълумотлар «шажара» деб аталиб, туркий эллар маънавиятида қадрият деб тушунилганлиги сабабли ҳар бир ўғил-қизнинг онгига ёшлигидан сингдириб борилган.

Юқорида, кўчманчи чорвадор туркий элларнинг турмуш тарзи ўзаро бирлашиб, уюшиб яшашликни, бошқача айтганда, «Уруша ўтир, ушлаша ўтир!» тамойилига амал қилиб кун кечиришни, ҳамжиҳатликни, куч-қудратга таяниб яшашликни талаб қилган дедик. Шу ўринда «нега шундай?» деган савол туғилади ва бу саволга қуйидагича жавоб беришни маъқул деб ҳисоблаймиз.

Маълумки, чорва кўчманчи чорвадор туркий эллар тушунчасида асосий бойлик манбаи ҳисобланган. Зардўшт ўз таълимотида, моя Ахурамазданинг «Кимдаки ерда чорва боқса, мен уни эркин ҳаёт билан таъминлайман» (2) деган сўзини келтиради.

Чорвани ёвдан қўриқлаш уруғлардан элга уюшиб яшашликни, «Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар» мақолига амал қилишликни талаб қилган ва бу ҳамжиҳатликсиз, бирликсиз амалга ошмаган. Худди шу боисдан ҳам кўчманчи чорвадор туркий элларда уларнинг катта патриархал оиласи бўлган тўпи урукқа, уруғи элга, эли элатга (улусга) бирлашиб жамият тўрт ижтимоий босқичли бошқарув тизимини ташкил этган.

Ажабланарлиси шундаки, «Авесто»да ҳам қадимги жамият этник бирликнинг «нмана», «вис», «занту», «дахью» деб аталган тўрт ижтимоий босқичдан иборат бўлганлиги акс этган ва буни академик А.Асқаров ҳам «Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи» (2007) асарида бир неча бор эътироф этади (3-124-129) ҳамда «Авесто»да чорвага асосий бойлик деб қаралганлигини ҳам таъкидлайди (3-126).

Кўчманчи чорвадор туркий элларда давлат бошқаруви тизимининг шаклланиш жараёнини ўзида акс эттирувчи қуйидаги маълумот ҳам эътиборга лойик: «Қачонким ҳукумат тепасига Қойидан хон кўтарилганда Қойи уруғи ва Бойот уруғи ва яна беш – олти кам сонли уруғлар буларга қўшилар эди. Қачонким ҳукумат тепасига Салордан хон кўтарилганда, Салор уруғи ва Имир уруғи ва яна бир неча кам сонли уруғлар буларга қўшилар эди. Шундан хулоса чиқаринг: кўп сонли уруғдан хон кўтарилган, кам сонли

уруғлар унга қўшилган, баъзан улар олти-еттита бўлиб, тўпланишган» (бир хон атрофига эл – элат бўлиб уюшган, бирлашган демокчи-Б.Ў.) (4-56). Абдулғозининг ушбу маълумоти ҳам чорвадор туркий эллар оиласининг урукқа, уруғларнинг элга ва элларнинг бир хон атрофида уюшувидан давлат қурилганлиги асосламоқда.

Шунингдек, таниқли элшунос олим А.Н.Аристовнинг кўчманчи чорвадор туркий элларда давлатнинг келиб чиқиши, ривожланиши, оилалардан бошланиб, оилалар урукқа, уруғ элга, эл давлатга айланади (5-283.) деган илмий хулосаси ҳам юқоридаги бизнинг фикримизни яъни, кўчманчи чорвадор туркий эллар жамияти тўрт ижтимоий босқичли бошқарув тизимини ташкил этган деган фикримизни тасдиқламоқда.

Тарихий энографик манбаларда кўрсатилишича, улуснинг дастлабки асоси (ўзаги) оила – уйлар бўлиб, шулардан уруғ жамоаси ташкил топган. Эллар бирлашиб, элат яъни, давлат келиб чиққан. Улусга қарашли умумий аҳолини ифодалаш учун «эл» атамаси қўлланилган. Улус эгаллаб турган ҳудудга «юрт» дейилган. Ҳар бир улус ўн минг (10.000) уйдан иборат бўлиб, тахминан ўртача эллик-олтмиш минг (50-60. минг) аҳолини ташкил этган (6-78).

Шундай қилиб туркий элларда давлатчиликнинг келиб чиқиши ҳақидаги юқорида келтирилган илмий маълумотларнинг баркамол авлодни маънавий-маърифий руҳда тарбиялашдаги аҳамияти бекиёс бўлиб, бу маълумотлар ўзбек давлатчилигининг ёши 1,5 минг, ҳатто 2000 йил ҳам эмас, балки, 3000 йилдан кам эмаслигини кўрсатмоқда. Бу эса ҳеч шубҳасиз, баркамол авлод қалбида ватанининг, халқининг, элатининг, давлатининг қадимийлигидан, маънавиятининг бойлигидан фахр-ифтихор туйғусини шаклланишига хизмат қилади.

Этнопедагогика ва этномаданият узвийлигини таъминлайдиган воситаларидан бири элларимиз ва халқимиз маънавиятидаги, урф-одатларидаги, турмуш тарзидаги қадриятлардир. Қадриятларни ёшлар онгига сингдириш эса умум таълим мактаблари, академик лицейлар, касб-хунар коллежлари ва олий ўқув юртлари олдида турган энг муҳим вазифалардан бири эканлигини биламиз. Чунки ёшлар онгида юксак ахлоқий қадриятларни шакллантириш маънавий-ахлоқий тарбиянинг негизини ташкил этади.

Умумтуркийлик маънавиятида оилаларнинг урукқа, уруғнинг элга, элнинг элатга туташиб, узвийлик касб этиши миллий ва умумтуркий қадрият ҳисобланиб, анъана тариқасида бу қадриятларнинг «Авесто» замонидан буён давом этиб келаётганлиги таҳсинга сазовор албатта. Бу илмий маълумотларни маънавиятимиздаги, турмуш тарзимиздаги қадриятларни ёшлар онгига сингдириш, шаклланган баркамол авлодни ҳамда умид ниҳоллари деб аталаётган умумтаълим мактабларининг кўп минг сонли ўқувчиларини маънавий-маърифий руҳда тарбиялашнинг ўзига хос воситаси деб ҳисоблаш мумкин.

Туркий элларда давлатчиликнинг келиб чиқиши ҳақидаги илмий маълумотларнинг баркамол авлодни маънавий-маърифий руҳда тарбиялашдаги аҳамияти яна шундаки, бу маълумотлар элларимиз, халқимиз ва миллатимизнинг ўтмиши (кечаги кунини) унутмасликка, тарихимизни билишга томон чорлайди. Чунки, «Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг, - Президент Ислом Каримов айтганидек, - келажаги йўқ» (1-4).

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. –Т.: 2008.
2. «Авесто». Ясна, 24. Готалар.-Т.:2003.
3. Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. –Т.: 2007.
4. Кононов А.Н. Родословная туркмен (сочинение Абулгази хана Хивинского)
5. -Москва-Ленинград: 1958.
6. Аристов А.Н. Заметки об этническом составе тюркских племен и народностей и сведения об их численности. Живая старина, вып. II-IV. –М.: 1896.
7. Султонов Т.И. Кочевые племена Приаралья в XV-XVII вв. –М.: 1982.

